

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА АЛИМЕНТ ТАЙИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Р.К.Тиллаев

Хуқуқни муҳофаза қилиши Академияси
магистратураси Тингловчиси

Сўнгги йилларда алимент мажбуриятлари институти алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу, биринчи навбатда, ажралишлар сонининг кўпайиши, шунингдек, моддий турмуш даражасининг пасайиши, никоҳсиз туғилган болалар сонининг кўпайиши билан изоҳланади. Шу боис, замонавий жамиятда алимент тайинлаш ва ундириш масалалари оила ҳуқуқининг энг долзарб масалаларидан биридир. Бошқача айтганда, вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясини кафолатлаш зарурати бугунги суд ҳукуқ тизимининг энг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, алимент фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан тайинланиши, нотариуслар томонидан алиментлар тўлаш тўғрисидаги келишувлар тасдиқланиши ва мажбурий ижрога қаратилиши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси алимент мажбуриятлари институти бўйича умумий қоидаларни белгилайди. Алимент мажбурияти деганда юридик факт асосида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар, яъни ота-оналардан бирини вояга етмаган болага тўлашга мажбур қиласиган моддий маблағлар тушунилади. Бу ҳуқуқий муносабатлар ихтиёрий ёки суд тартибида мажбурий ундирилиши қонун ҳужжатларида белгиланган. Шуни таъкидлаш керакки, алимент мажбуриятлари институтини ўрганишда ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг тузилишини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири, ўз фуқаролари учун муносиб турмуш даражасини таъминлашдан иборат. Хусусан, қонунчилигимизда жамиятимизнинг заиф қатламларига жумладан, вояга етмаган болаларга ғамхўрлик қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, ота-онага ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз фарзандини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мажбурияти юкланган. Зоро, алимент мажбуриятлари табиатан бегараз бўлиши муҳим, чунки бу муносабатлар компенсация олиш учун мўлжалланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 11-моддасида белгиланганидек, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш асосан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича умумий судларда кўриб ҳал этилади. Айни пайтда судларда кўрилаётган оилавий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фуқаролик ишлари суд ишларини юритишнинг даъво қўзғатиши, алоҳида иш юритиш, қонунда белгиланган ҳолатларда буйруқ тартибида иш юритиш асосида кўриб ҳал қилинмоқда.

Оила кодексида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бузилиши оқибатида бир қатор оиласвий низолар вужудга келмоқда. Таҳлилларга кўра, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ичидаги айни пайтда амалиётда энг кўп учраётган низолардан бири бу - ота-онанинг вояга етмаган болаларига нисбатан алимент ҳуқуқ ва мажбуриятларирид. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алимент тайинлаш соҳасидаги вазиятни таҳлил қилиш ушбу йўналишдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарур деган холосага келишимизга имкон беради.

Сўнгти йилларда қонунчиликка алимент мажбуриятлари билан боғлиқ бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек мажбуриятларни бажармаганлик ёки бўйин товлаганлик учун жавобгарлик чоралари киритилиб бормоқда.

Жумладан, Оила кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексларига мукаммалашаган ўзгартиришлар киритилиб борилаётгани мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари тобора янада мустаҳкамланиб бораётганинг яққол далилидир.

Бунга мисол қилиб, Оила кодексининг 99-моддасининг иккинчи қисми ўзгартирилганлиги ва ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорида ундирилиши қаътий белгиланганлигини қайд этиб ўтиш мумкин.

Ушбу кодексининг 135-моддаси, яъни алиментни ихтиёрий тўлаш тартиби янги, учинчи қисм билан тўлдирилиб, вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар бола вояга етгунига қадар бўлган давр учун, шу жумладан кўчмас ёки кўчар мулк ёхуд бошқа қимматли ашёни бериш йўли билан олдиндан тўланиши мумкинлиги белгиланди .

Оила кодексининг 145-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдирилиб, алиментлар олдиндан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тузилган бўлса, шахс алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш мажбуриятидан озод этилиши, ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши белгиланди .

Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2018 йил 6 октябрдаги “Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 808-сонли қарорига мувофиқ амалиётга жорий қилинган.

Алимент мажбуриятлари бажарилишини таъминлашга қаратилган бу каби янгиликларни қонунчиликка тадбиқ этилиши ўз ижобий натижасини беради албатта, бироқ масаланинг бошқа томонини ҳам назарда тутишимиз лозим бўлади.

Хусусан, алиментни олдиндан тўлаш амалиёти қарздорларнинг муайян синфи учун бир қатор қулайликлар яратиши мумкин. Бунда асосан қарздорнинг четга чиқиш ҳуқуқининг чекланмаслиги, мол-мулки ёки бошқа даромадларининг эркин ҳаракати таъминланиши ва ҳоказолар назарда тутилади. А.Ҳамидов “Ўзбекистон

Республикасида бола хуқуқларининг кафолатлари" номли мақоласида бу масалага атрофлича тўхталиб ўтиб, алимент тўловларини олдиндан тўлашнинг амалдаги тартиби айрим ҳолатларда вояга етмаганинг манфаатларига зид келиши мумкин, деб таъкидлайди. Чунки айни пайтда ушбу амалиёт вояга етмаганлар моддий таъминотининг барқарорлигига хавф солиши мумкин. Масалан, фарзандининг таъминоти учун алимент олаётган айрим ундирувчилар қарздордан ундирилаётган алимент пулларини ўз даромад манбаига айлантиргани, кўп ҳолатларда эса белгиланган алимент миқдорига фарзандининг эҳтиёжига нисбатан эмас, ўз шахсий эҳтиёжига нисбатан баҳо берган ҳолда суд қарорини такрор ва такрор мухокама қилиши одатий ҳолга айланиб қолган .

Ушбу тоифадаги алимент ундирувчилари қарздор томонидан бир йўла олдиндан тўланадиган алимент пулларини муайян давр (бир-икки йил) ичида мақсадсиз, яъни ўз эҳтиёжлари йўлида сарфлаши, вояга етмаганинг кейинги (вояга етгунга қадар бўлган даврда) молиявий таъминотидан маҳрум қилиши мумкин. А.Ҳамидов вояга етмаганинг моддий таъминотини вояга етгунига қадар узилишларсиз таъминланишини кўзда тутган ҳолда, алиментни олдиндан тўлаш амалиётига ўзгартиш киритиш юзасидан қўйидаги таклифларни илгари сурган:

- олдиндан тўланадиган алимент пули ундирувчига эмас, вояга етмаган фарзандининг номига очиладиган банкдаги маҳсус ҳисоб рақамига омонат сифатида тўлаш;
- олдиндан тўланадиган алимент миқдори ҳамда унинг узоқ муддатли (энг камида беш йил) омонат тури экани, бундан авваламбор банк манфаатдор эканини инобатга олган ҳолда Марказий банкка қўйидаги мажбуриятларни юклаш;
- ҳисоб рақамига қўйиладиган омонат пули узоқ муддатли эканини инобатга олган ҳолда банкнинг манфаатдорлиги (фойдаси)ни ҳисобга олган ҳолда максимал даражадаги йиллик фоизлар белгилаш;
- омонатга қўйилган маблағнинг йиллик фоизини ҳар ой якуни бўйича тегишли миқдорда ундирувчига берилишини таъминлаш;
- бола 18 ёшга етгунга қадар, омонатни йиллик инфляция даражасига мутаносиб равишда индексация қилиб бориш ва у 18 ёшга тўлганидан кейин, биринчи талаби биланоқ омонат суммасини унинг шахсан ўзига (қонунда белгиланган тартибда унинг васий ёки ҳомийсига) тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;
- бола 18 ёшга етгунга қадар вафот этган тақдирда омонатга қўйилган маблағнинг кейинги тақдирини қонунчилик билан тартибга солиш.

Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши келгусида вояга етмаганларнинг моддий манфаатдорлиги давлат томонидан янада химояланиши ҳамда у вояга етганида ўзининг таъминоти учун тўланган алимент пулларини ўзи тасарруф этиш имконини беради .

Юқоридаги таклифни қувватлаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бу каби таклифларнинг амалиётга тадбиқ этилиши алимент олувчи вояга етмаганларнинг

фаровон келажаги учун зарур шарт-шароитлар яратишга ва бу борадаги муаммоларни адолатли ечим топишига хизмат қилади. Аслида, ушбу маблағлар болаларнинг таъминоти, таълими ва тарбиясига сарфланиши лозим. Чунки, бола нафақат алимент маблағларининг мулкдори, ҳатто ушбу маблағлар ҳисобидан сотиб олинган барча нарса-буюмларнинг ҳам мулкдори саналади. Алимент маблағларининг асосий моҳияти шундаки, болани ёки унинг бошқа оила аъзоларини бойитиш ёки мол-мулкини орттириш эмас, балки бола вояга етгунига қадар унга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ҳисобланади.

Ҳукукни қўллаш амалиётида судлар томонидан алимент тайинлаш билан боғлик ишларни кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишда айрим качиликлар ҳам кузатилмоқда. Бу каби ҳолатлар даъво аризани кўриб чиқишида бир томонлама ёндашув оқибатида жавобгар тарафнинг иқтисодий аҳволини танг ҳолатга олиб келиб қўйиши билан ифодаланади.

Юқорида баён этганимиздек, қонунчиликда вояга етмаганнинг таъминоти учун алимент ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир нафар бола учун - тўртдан бир қисми, икки нафар бола учун - учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ нафар болалар учун – иккidan бир қисми миқдорида ундирилади.

Яъни, ҳар қандай ҳолатда ҳам қарздордан ундириладиган алимент пуллари унинг жами даромадининг 50 фоизидан ошиб кетишини қонун йўл қўймайди. Ушбу қоида вояга етмаганларга алимент тўланишини белгилаш билан бирга қарздорнинг ижтимоий ҳимоясини ҳам кафолатлайди. Бироқ, шундай бўлсада, судлар томонидан ушбу қоидага ҳар доим ҳам амал қилинмаётгани кузатилмоқда.

Ушбу фикримизга суд амалиётидан аниқ мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, Фуқаролиқ ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 26.04.2010 йилдаги А.А.дан ундирувчи А.Г. фойдасига

2007 йилда туғилган А.Ч. исмли ҳамда 2009 йилда туғилган А.Ш исмли фарзандларининг таъминоти учун 12.03.2010 йилдан бошлаб, уларнинг вояга етгунларига қадар қарздорнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш ҳақида ижро варақа чиқарилган.

Кейинчалик эса, айнан ушбу суднинг 23.08.2013 йилдаги қарори билан қарздор А.А.дан ундирувчи А.Г. фойдасига 2010 йилда туғилган А.Ж. исмли фарзандининг таъминоти учун 23.08.2013 йилдан бошлаб, унинг вояга етгунига қадар қарздорнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш ҳақида суд буйруғи чиқарилган.

Юқоридаги мисолда суд буйруғи чиқарилиши Оила кодексининг

99-моддасига зид равишда яъни, иккита ижро хужжати бўйича қарздордан уч нафар фарзандларининг моддий таъминоти учун ундириладиган жами миқдор ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг ярмисидан ошиб кетганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 11.12.2020 йилдаги жавобгар Б.М.дан даъвогар Б.У. фойдасига 31.03.2020 йилда туғилган Б.М. исмли фарзанди таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва даромадларининг 1/4 қисми миқдорида 24.11.2020 йилдан бошлаб то фарзанди вояга етгунига қадар алимент ундириш ҳамда 11.12.2020 йилдаги ижро варақага асосан фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар ва ҳомиладорлик даври учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 60 (олтмиш) фоизи миқдорида алимент (таъминот) ундириш тўғрисида ижро варақалар чиқарган.

Шунингдек, Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 16.11.2021 йилдаги жавобгар Б.М.дан даъвогар Б.У. фойдасига

19.10.2021 йилдан бошлаб, 31.05.2021 йилда туғилган Б.М. исмли фарзанди таъминоти учун у вояга етгунига қадар ҳар ойлик иш ҳақи ва даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш ҳамда 16.11.2021 йилдаги ижро варақага асосан фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 11,75 фоизи миқдорида таъминот ундириш тўғрисида ижро варақалар чиқарган.

Бундан кўриниб турибдики, даъвогар Б.У. икки нафар фарзандларининг моддий таъминоти учун жавобгар Б.М.дан ундириладиган алимент миқдори умумий ҳисобда ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг 50 (эллик) фоизидан ошиб кетмоқда.

Аслида бу ўринда Оила кодексининг 99-моддасига асосан вояга етмаган болаларининг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг икки бола учун — учдан бир қисми миқдорида ундирилиши белгиланган .

Демак, юқоридаги фиклардан кўриниб турибдики, амалиётда судлар томонидан Оила кодексининг 99-моддаси талабларига зид равишда бир томонлама ёндашиб суд хужжатлари қабул қилинмоқда.

Ваҳоланки, суднинг бундай бир томонлама, яъни даъвогарнинг даъвоси бўйича иш кўриб чиқишида ва қарор қабул қилишида, аксарият ҳолларда жавобгарнинг хукуқлари поймол бўлишига олиб келмоқда.

Бунинг олдини олиш мақсадида қўйидагилар таклиф сифатида билдирилмоқда:

ФПК 173-моддасида суд буйругини бериш тўғрисидаги аризага «алимент ундириш ҳақидаги талаб бўйича барча фарзандларнинг туғилиш гувоҳномаларидан нусхалар илова қилиниши» ҳақидаги нормани киритиб қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Назаримизда, ушбу норманинг киритилиши орқали қонунга зид тарзда қабул қилинаётган суд хужжатларига чек қўйилган бўлар эди.

Шунингдек, юқорида кўтарилиган муаммони бартараф қилиш мақсадида судлар билан ФХДЁ орагларининг электрон ахборот тизимини бир-бирига интеграция қилиш зарур. Бунда нафақат фарзандларнинг туғилиш ҳақидаги гувоҳномалари балки, никоҳни қайд этиш ҳақидаги ва бошқа хужжатларни ҳам тўғридан-тўғри «ФХДЁнинг

ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали олиш имкони яратилиб, фуқаролар учун ортиқча овворагарчиллик олди олинган бўлар эди.

Ёхуд, МИБ порталда қарздорлар рўйхати мавжуд бўлиб, судлар томонидан суд буйруғи ёки ҳал қилув қарори асосида ундирув белгиланаётганида ўзаро интеграция қилинган Бюронинг МИБ портал электрон дастури орқали жавобгарнинг иқтисодий аҳволини, яъни ундан муқаддам суднинг қарори билан тайинланган ундирув бор ёки йўқлигини аниқлаши ва унга кўра Оила кодексининг 99-моддасига қатъий риоя қилган ҳолда қарор қабул қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, юқорида келтирилган мисол бўйича қарздорга нисбатан алимент пулларини тўлашдан бош тортгани учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасига асосан жиноят иши қўзғатилган тақдирда, жавобгарнинг судга эътирози билан реабилитация учун асос бўлиб, Жиноят процессуал кодексининг 83-моддасига асосан иш тугатилишига сабаб бўлади. Шу боис алимент ундирувлари бўйича суд буйруғи тартибида иш кўрилишига умуман чек қўйиш тақлиф этилади.